

“O’zog’irsanoatloyiha” Instituti акциядорлик жамияти
акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИдан **КЎЧИРМА**

Мажлис ўтказилган сана:	2023 йил 20 ноябрь
Мажлис ўтказилган вақт:	16:00
Мажлис ўтказилган жой:	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 88-уй, 3-қават, 29 хона
Мажлис ўтказилиш шакли	Юзма-юз йиғилиш

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 77-моддаси учинчи қисмига асосан, жамият кузатув кенгашининг раиси агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилиши белгилаб ўтилган.

Мазкур Қонуннинг 77-моддаси тўртинчи қисмига кўра, жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

Кузатув кенгаши раиси Қўчқоров Ж.А. йўқлиги сабабли, мазкур йиллик умумий йиғилишда жамият кузатув кенгаши аъзоси Имомов В.А. раислик қилди.

“O’zog’irsanoatloyiha” Instituti акциядорлик жамияти (*кейинги ўринларда - Жамият*) акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (*кейинги ўринларда - Йиғилиш*) иштирокчиларини (акциядорлар ва уларнинг вакиллари) рўйхатга олиш соат 15:00 да бошланди ва 15:50 рўйхатга олиш тугатилди.

Йиғилишда иштирок этиш учун соат 15:50 га қадар жамиятнинг жойлаштирилган 4 423 264 та овоз берувчи ва йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган овоз берувчи акцияларидан жами 3 618 563 дона овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи 3 та акциядор рўйхатга олинди, бу эса жами жойлаштирилган акцияларнинг **81,80 фоиз** овозни ташкил этади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддасига асосан, агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **эллик фоизидан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан

Ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **қирқ фоизидан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Жамият акциядорларининг 2023 йил 20 ноябрдаги йиллик умумий йиғилиши юқоридаги Қонуннинг 68-моддаси талабига тўлиқ жавоб беради, яъни акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши **ваколатли**.

Юқоридагиларга мувофиқ, Имомов В.А. йиғилишни очиқ деб эълон қилиб, масалани қўл кўтариш билан овозга қўйишни таклиф қилди.

Овоз бериш:

“Ёқлайман”

100 %

“Қаршиман”

0 %

“Бетарафман”

0 %

Қабул қилинган қарор: “O’zog’irsanoatloyiha” Instituti акциядорлик жамияти акциядорларининг 2023 йил 20 ноябрь куни бўлиб ўтаётган йиллик умумий йиғилиши кворум мавжудлиги муносабати билан очиқ деб ҳисоблансин.

Сўнгра, 3 (уч) кишидан иборат ишчи президиумни сайлаш зарурлигини айтди. Ишчи президиумга қуйидаги шахсларни сайлаш таклифи киритилди:

Имомов В.А. - йиғилиш раиси;

Маматов М.М. - ишчи президиум аъзоси, акциядор;

Хазратқулов Б.К.-ишчи президиум аъзоси, жамият бош директори.

Бошқа таклифлар бўлмади.

Ушбу масала бўйича ҳам қўл кўтариш йўли билан овоз бериш таклиф қилинди.

Овоз бериш:

“Ёқлайман”

100 %

“Қаршиман”

0 %

“Бетарафман”

0 %

Қабул қилинган қарор: Уч (3) кишидан иборат ишчи президиум сайлансин, ва унинг таркибига қуйидаги шахслар киритилсин:

Имомов В.А. - йиғилиш раиси;

Маматов М.М. - ишчи президиум аъзоси, акциядор;

Хазратқулов Б.К. - ишчи президиум аъзоси, жамият бош директори.

Шунингдек, Имомов В.А. мазкур йиғилиш котибини сайлаш зарурлигини таъкидлади. Котибликка Эрматова А.Б.нинг номзодини

сайлаш таклифи киритилди. Бошқа таклифлар бўлмади. Мазкур масала бўйича ҳам қўл қўтариш йўли билан овоз бериш таклиф қилинди.

Овоз бериш:

“Ёқлайман”
100 %

“Қаршиман”
0 %

“Бетарафман”
0 %

Қабул қилинган қарор: Мазкур акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши котиби этиб Эрматова А.Б. тайинлансин.

Барча зарур ишчи органлар сайланди ва уларнинг барчаси ўз ўринларини эгаллашга таклиф қилинди.

Йиғилиши раиси Имомов В.А. сўз олиб йиғилиш кун тартибини барча йиғилиш иштирокчиларига эълон қилди:

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши КУН ТАРТИБИ:

...	
10	Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.
.	
...	

...

Кун тартибининг ўнинчи масаласи юзасидан йиғилиш раиси Имомов В.А. сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддаси тўртинчи қисмига асосан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги масала ҳал этилиши белгиланган.

Қонуннинг 63-моддасида жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Жамият уставининг 9.13. бандига кўра, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи

акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли деб белгиланган.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2022 йил 28 январдаги 03/08-1-18/254-1-сон хатига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш учун давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгашлари аъзолигига давлат улуши номидан номзодлар рўйхати шакллантирилаётганлиги ва тегишли номзодлар Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгандан сўнг, кузатув кенгаши такрибига таклиф этилиши маълум қилинган.

Жамиятнинг энг йирик акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 8 июндаги 03/09-3-17/2632 – сонли хати билан жамият кузатув кенгашига 9 (тўққиз) та номзод берилган.

Жамиятнинг акциядори “BINOKOR” МЧЖнинг 2023 йил 22 июндаги 40 – сонли хати ва 2023 йил 16 октябрдаги қўшимча номзод тўғрисидаги хати билан 4 (тўрт) та номзод берилган.

“O’zog’irsanoatloyiha” Instituti Ајнинг бошқа акциядорлари томонидан белгиланган муддатларда номзодлар таклиф этилмади.

Юқоридагиларга асосан, кузатув кенгашига сайланиш учун қуйидаги номзодлар акциядорлар умумий йиғилишида сайлаш учун таклиф этилди:

Номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Номзоднинг иш жойи
Бобобеков Зоҳиджон Анарбаевич	- Давлат активларини бошқариш агентлиги, Бошқарма бошлиғи
Атакулов Тухтамурод Умарович	- Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, Директор ўринбосари
Муйдинов Мурод Насридинович	- “Худудий электр тармоқлари” АЖ, бошқарма бошлиғи
Султанов Элдорбек Арисланбекович	- Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош мутахассиси

Тожиев Вохиджон Найматиллаевич	- Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош мутахассиси
Намазов Алишер Абдухалилович	- Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош мутахассиси
Ташпулатов Улугбек Самандарович	- Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош мутахассиси
Расулов Жахонгир Эгамбердиевич	- Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош мутахассиси
Абдуллаев Жалолиддин Тахирович	- Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош ҳисобчиси
Бобоев Адиз Музафарович	- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Вазир ўринбосари
Иноятов Миrabбос Миркомилевич	- “Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi” ДУК, Бош директори
Мухаммадиев Уктам Шарифович	- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, бошқарма бошлиғи ўринбосари
Имомов Воситжон Анварович	- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, аппарат раҳбари

Қонуннинг 76-моддаси ўнинчи ва ўн биринчи қисмларига асосан, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта

номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Юқоридагиларга асосан, кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича овоз беришда ўз эгалигингиздаги овоз берувчи акцияларни 9 та (тўққизта) номзодга кўпайтириб, сўнгра овоз беришингиз сўралади. Шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли эканлигингиз такроран эслатиб ўтилади.

Йиғилиш раиси Имомов В.А. йиғилишда иштирок этаётган акциядорлардан кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича қўшимча, таклиф ёки эътирозлар бўлса маълум қилишларини сўради.

Кун тартибининг мазкур масаласи бўйича қўшимча, таклиф ва эътирозлар бўлмаганлиги сабабли йиғилиш раиси кун тартибининг ўнинчи масаласи юзасидан овоз бериш бюллетенларида овоз беришларини таклиф қилди.

Кун тартибидаги мазкур масала овоз беришга қўйилди.

Кун тартибидаги мазкур масала овоз беришга қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш яқунлари

№	Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи	Ёқлайман	Қаршиман	Бетарафман
---	--	----------	----------	------------

10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида			
	Номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Номзоднинг иш жойи	Ёқлайман* (кумулятив овоз берилади)
10.1.	Бобобеков Зоҳиджон Анарбаевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Бошқарма бошлиғи	3615269
10.2.	Атакулов Тухтамурод Умарович	Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, Директор ўринбосари	3615269
10.3.	Муйдинов Мурод Насридинович	“Худудий электр тармоқлари” АЖ, бошқарма бошлиғи	0
10.4.	Султанов Элдорбек Арисланбекович	Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош мутахассиси	3615269
10.5.	Тожиев Воҳиджон Найматиллаевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош мутахассиси	0
10.6.	Намазов Алишер Абдухалилович	Давлат активларини бошқариш агентлиги,	3615269

		бош мутахассиси	
10.7.	Ташпулатов Улугбек Самандарович	Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош мутахассиси	3615269
10.8.	Расулов Жахонгир Эгамбердиевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош мутахассиси	3615269
10.9.	Абдуллаев Жалолиддин Тахирович	Давлат активларини бошқариш агентлиги, бош ҳисобчиси	0
10.10.	Бобоев Адиз Музафарович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Вазир ўринбосари	3622955
10.11.	Иноятов Миrabбос Миркомиллович	“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika Markazi” Давлат муассаси, Директор	3637229
10.12	Мухаммадиев Уктам Шарифович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, бошқарма бошлиғи ўринбосари	0
10.13.	Имомов Воситжон Анварович	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, аппарат раҳбари	3615269

Қабул қилинган қарорлар:

10. Жамиятнинг Кузатув кенгашига қуйидаги аъзолар сайлансин:

- 10.1. Бобобеков Зоҳиджон Анарбаевич
- 10.2. Атакулов Тухтамурод Умарович
- 10.3. Султанов Элдорбек Арисланбекович
- 10.4. Намазов Алишер Абдухалилович
- 10.5. Ташпулатов Улугбек Самандарович
- 10.6. Расулов Жахонгир Эгамбердиевич
- 10.7. Бобоев Адиз Музафарович
- 10.8. Иноятов Миrabбос Миркомиллович
- 10.9. Имомов Воситжон Анварович

Кун тартибига қўйилган ҳар бир масала акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилди. Акциядорларнинг ушбу

умумий йиғилишини ўтказиш юзасидан изоҳлар келиб тушмади, йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси

Имомов В.А.

Йиғилиш котиби



Эрматова А.Б.

Баённома имзоланган сана: 2023 йил “___” ноябрь.